

Адолат тимсоли



17:16 / 06.06.2017 7270

1530 йилларда Афғонистон ва Ҳиндистоннинг баъзи ҳудудларига Шерхон номли адолатли подшоҳ ҳукмронлик қилган. У кишининг ҳукмронлик вақтида қўшинлари мамлакат ҳудуди мудофааси йўлида тоғ чўққиларининг бирида жанг олиб борар эди. Қўшин ҳарбий қароргоҳини тоғ чўққиларининг бирига жойлаштирмоқчи бўлди. У чўққида эса бир фақирнинг кулбаси жойлашган эди. Қўшин аскарлари у кулбани кўчириб юбордилар. Кулбасидан ажралган ўша фақир инсон бошқа жойда қўним тополмади. Шунда подшоҳнинг ҳузурига бориб шикоят қилишга қарор қилди. Подшоҳнинг шаҳрига етгач, подшоҳ Шерхон қаердалигини сўради. Унга подшиҳ шаҳар атрофида болалар билан ўйнаб юрибди, деб айтишди. Фақир киши бу жавобдан инсонлар унинг жулдур кийимига қараб мазаҳ қиляпти, деб ўйлаб, бошқалардан сўради. Улар ҳам худди шу жавобни беришгач, сўраб-суриштириб шаҳарнинг катта масжиди орқасида гўзал ва қимматбаҳо либослар кийган болачалар билан ўйнаётган одамни кўрди. Шунда ёнидаги кишилардан: «Бу болалар ким?» деб сўради. Улар: «Бу мусулмонларнинг етим болалари», деб жавоб берди. Фақир киши ажабланиб: «Бу болаларнинг кўриниши етим болаларнинг кўринишига ўхшамайди-ку!» деди. У эса: «Бизда етимлар бошқа болалар киймайдиган

энг қимматбаҳо ва гўзал кийимларни киядилар. Бу подшоҳ Шерхоннинг амрларидир», деди. Фақир киши адолатли подшоҳ борасида яхши хушхабар олиб Аллоҳдан подшоҳ туфайли ҳожатини раво қилишини сўради. Подшоҳ етим болалар билан ўйнаб бўлгач, унинг хизматкорларидан бири бир ғариб подшоҳ ҳзурига келганини айтди. Подшоҳ хизматкорга: «Нега у келганидаёқ менинг ҳузуримга олиб келмадингиз?» деди. Хизматкорга танбеҳ бериб: «Ҳой, ахир ғариб инсон кўпинча оч-наҳор ёки бирор-бир хавфда бўлади, уни куттиришинг қандай қилиб хаёлингга сиғди?! Аллоҳ сени кечирсин!» деди ва вақтни зое кетказмай ғариб инсон томон шошилди. Подшоҳ фақирнинг олдига келгач, тавозе ила унга юзланиб: «Лаббай эй Аллоҳнинг бандаси, мен ходимингиз Шерхон бўламан. Бизга бирор хизмат борми? Аллоҳнинг изни билан қўлимиздан келганча ёрдам берамиз», деди. Фақир киши бу жавобдан ўзини йўқотиб қўйиб гапида тутилиб қолди. Подшоҳ унинг юзига табассум билан қараб тинчлантира бошлади ва: «Гапиринг, эй Аллоҳнинг бандаси, фақат Аллоҳдан қўрқинг, ўзгалардан эмас. Аллоҳга қасамки, агар менга ҳақингиз ўтиб қолган бўлса, уни ҳозироқ қайтарай», деди. Фақир инсоннинг бундан янада ҳайрати ошди ва шикоятини сўйлади. Подшоҳ шикоятини эшитиб бўлгач: «Зулм ила олинган ҳақингизни қайтараман. У ҳозирдан менинг зиммамдадир», деди ва дарҳол қўшин бошлиғига ҳарбий қароргоҳни у ердан кўчириб, фақир учун аввалги жойда уй қуриб беришини буюрди. Фақир киши таажубланиб, қарсак чалди ва подшоҳни мақтай бошлади. У ҳали гапини тугатмасдан подшоҳ уни тўхтатди ва: «Эй киши, сенга ҳақингни қайтарганимиз учун бизни мақтама. У ер менинг ҳам, отамнинг ҳам моли эмас, балки заиф мусулмонларга хизмат қилишим учун Аллоҳнинг берган молидир, Аллоҳга қасамки, мени душман енгиб, қул қилиб, йиртқичларга ем қилгани, Аллоҳ ҳузурида елкамда бир фақирнинг ҳақи қолиб кетишидан кўра яхшироқдир», деди.

Аъзамжон ТОШПЎЛАТОВ таржимаси